

БАДИЙ ИЖОДДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗЛАРИ ГЕНЕЗИСИНИНГ ҲАЁТИЙ АСОСЛАРИ

Шохиста Шодиевна Низомова

Бухоро давлат университети Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада бадий ижодда сув ва олов образларининг генезиси ва унинг ҳаётий асослари шунингдек, хусусиятларини очиб берилган. Сув ва олов инсон тирикчилигининг гарови ҳисобланади. Уларсиз инсон ҳаётини, тирикликни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, айти пайтда, инсонларнинг сув ва оловга нисбатан эътиқодий қараш ва муносабатларининг ҳаётий асосини ташкил қилади.

Калит сўзлар: сув, олов, сеҳр, эртақ, табиат, ўсимлик, генезис, зардушт

LIFE FUNDAMENTALS OF THE GENESIS OF WATER AND FIRE IMAGES IN ARTISTIC CREATION

ABSTRACT

The article reveals the genesis of water and fire images in art and its vital foundations as well as their features. Water and fire are the guarantee of human life. Without them, human life is unimaginable. This, at the same time, forms the basis of human beliefs and attitudes towards water and fire.

Keywords: water, fire, magic, fairy tale, nature, plant, genesis, Zoroastrianism

Маълумки, табиатда тўрт муҳим унсур мавжуд. Сув ва олов улардан иккитасидир. Сув – ҳаётий қувват манбаи. Сув ва олов инсон тирикчилигининг гарови ҳисобланади. Уларсиз инсон ҳаётини, тирикликни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, айти пайтда, инсонларнинг сув ва оловга нисбатан эътиқодий қараш ва муносабатларининг ҳаётий асосини ташкил қилади.

Барча мавжудотнинг ҳаёти сув билан боғлиқ. Сув худди нон каби инсон учун азиз ва мўътабардир. Сувсизликдан, ташналикдан инсон организми ўлим топиши аниқ.

Бир бурда нон билан тўяди одам,
култум сув қондирар чанқоғни.¹

Сув – тириклик манбаи. Усиз нафақат инсон, бошқа тирик жонзотлар ҳам яшай олмайди. Инсоният, ҳайвонот ва наботот дунёси тирикчилиги учун, албатта, сув зарур. Ана шу сабаб уни “оби ҳаёт” дея таърифлайдилар:

Бу замин оби ҳаёт бирла тўлуғ паймонадир,

¹ Икром Отамурод. Тағаззул, 48-бет.

Масканим Фарғонадир, Фарғонадир, Фарғонадир.²

Этнограф А.Аширов Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида сувнинг ўзига хос муқаддас унсур сифатида эъзозланишини, сувни бемаврид исроф қилиш, уни булғаш, сувга тупуриш ва нопок ифлос нарсаларни сувга ташлаш қатъий таъқиқланган бўлиб, бундай ишларни қилиш оғир гуноҳ ҳисобланишини, сув келадиган ариқлар, каналлар ва зовурлар ҳар йили эрта баҳорда ҳашар йўли билан тозаланишини, янги каналлар, ариқлар қазилган эса энг савобли ишлардан бири бўлганлигини таъкидлайди.³ Албатта, бу ҳол юртимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам хосдир. Жумладан, Хоразмда шаклланган зардуштийлик таълимотида оловдан ташқари сувга нисбатан ҳам алоҳида тартиб-қоидалар ишлаб чиқилган. “Авесто”да “Покиза сув ва ёниб турган олов олдида густохлик қилган зотнинг дўзахда топгувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудҳишдир, дейилади.

Зардуштийларда сув ва олов муқаддас унсур саналиб, аввало, унинг тозаллиги борасида қайғурилган. Бунинг учун сув манбалари – дарёлар, кўллар ёки қудуқлар ҳар қандай нопокликлардан қатъий ҳимоя қилинган. Олов ўчоқлари махсус кўриқланган.

Сувни муқаддас санаб уни эъзозлашга оид қарашлар ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмасликка даъват этилади. Сувни исроф қилиш ва булғаш оғир гуноҳ ҳисобланган. Қадим замонларда сувни ифлослантирганлар жазоланган ва жаримага тортилган. Мусулмонларнинг муқаддас китоби “Қуръон” ва “Ҳадиси Шариф”да сув ҳаёт манбаи сифатида қадрланган. Сувга оёқларни тикиб ўтириш, тупуриш ёки оқаётган сувга ахлат ташлаш таъқиқланган.

Инсон – табиатнинг бир бўлаги. Инсон сувсиз яшай олмайди. Аксинча, у сувдан янада куч ва баҳра олади. Айниқса, сув орқали инсон руҳияти бардамлашади. Ана шунинг учун инсон қачонки, толиқса, зерикса, сув бўйига боришни кўмсайди. Сувнинг шарқироқ овозидан, жўшқинлигидан куч олади.

Адиб истаги-ла тўхтаимиз. Бирдан
Ер, куёш, сув, ҳаво бизни кучади.
Дарё кўшиғидан, ел шивиридан
Тандан йўл ҳордиғи тундай кўчади.⁴

Сув ташна қалбларга ором ва ҳузур, куч-қудрат бағишлаши рост. Хусусан, иссиқдан бўғриққан, ичи куйиб бораётган инсон муздай сув ичса, танаси роҳатланади:

Мен келдим аламнинг даштидан куйраб,

² Воҳидов Э. Масканим Фарғонадир / Орзули дунё: Шеърлар. – Т.: Шарқ, 2010. – Б.55.

³ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқоди ва маросимлари. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б.69-72.

⁴ Зулфия. Яратиш дарди / Тонг билан шом аро. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.192.

Беғубор сўзлар де – бир муздай сув тут.⁵

Ёки:

Ховуч-ховуч ичади қизча,
Сероб бўлиб кетар ташна лаб.
Шеърим ўқиб бир ховуч сувча
Баҳра олармикан бирон қалб?⁶

Шоира Зулфия бу мисраларида бир қизчанинг сувнинг бўйига осилиб, ховуч-ховуч сув ичишини, унинг ташна лаби сероб бўлиб кетишини завқ билан томоша қилар экан, ўз шеърларини одамлар шунчалик ташналик билан ўқиб, ховуч сувча ундан ҳар бир қалб баҳра олишини ният қилади.⁷

Кўринадики, шоирлар сув ташна қалбни нечоғлик қондира олгани каби ўз шеърлари ҳам сувдек инсонларнинг эзгуликка ташна юракларига, кўнгилларига сизиб кириб боришини ва унда маънавият чечакларини ундиришини хоҳлайдилар. Ана шу сабаб Икром Отамурод ҳам инсон кўнглини сувга ташна жойга ўхшатиб ёзади:

Канглум – соғинчларнинг синиққан ранги,
канглум – соғинчлар-а сув тутган ташна.⁸

Қадимдан деҳқончилик маданияти билан шуғулланиб келган халқимиз сувсиз экин-тикин қилолмайди. Илдизи сув ичган ҳар бир гиёҳ униб-ўсади, аксинча, қуриб, йўқ бўлади:

Ўз қўйнига олибтими, бас,
Сенинг томир – илдизингни сув,
Демак, илдиз сувга етдими
Умр боқий деганлари шу!⁹

Ёки:

Баландга югурган қиёқлар куйди,
Сувдан олисдаги гиёҳлар куйди.¹⁰

Англашиладики, боғ-роғлар, экин далаларини бунёд этиш учун деҳқонга, албатта, сув зарур. Ўсимлик илдизи сувдан узоқлашдимми, у қуриб кетишга маҳкум. Шоирлар кўпинча шу ҳаётий ҳақиқат талқинидан фойдаланиб, унга параллел равишда маънавиятдан узоқлашиш инсонни ҳалок этишига ишора қиладилар.

Гулу ниҳолингга бахш этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.¹¹

⁵ Раҳимбоева Қ. Уйғониш фасли. – Т.: Ёш гвардия, 1989. – Б.42.

⁶ Зулфия. Рашк / Тонг билан шом аро. Сайланма. – Т.: Шарқ, 2012. – Б.45.

⁷ Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. – Тошкент, 2012. – Б.44.

⁸ Икром Отамурод. Тағазул, 46-бет.

⁹ Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг ёши / Ўша китоб. – Б.40.

¹⁰ Раҳимбоева Қ. Чорлов / Уйғониш фасли. – Т.: Ёш гвардия, 1989. – Б.5. 72 б.

¹¹ Воҳидов Э. Бир ниҳол / Орзули дунё: Шеърлар. – Т.: Шарқ, 2010. – Б.11.

Хуллас, шу каби ҳаётий асослар қадимдан аждодларимизнинг сувни ва оловни ўзига яқин кўмакдош, ҳомий деб англашига, уни улуғлашига олиб келган. Натижада сув ва олов култи билан алоқадор кўпгина анъаналар вужудга келган. Инсониятнинг жуда кўп анъаналари, маросим ва байрамлари, ҳаётий тушунчалари бевосита сув ва олов билан боғлиқдир.

REFERENCES

1. Sharipova M. B., Nizomova S. S. The artistic image of the image of " water" in the poem //УЧЕННЫЙ XXI ВЕКА.–2018. – 2018. – Т. 11. – С. 75.
2. Nizomova S. S. SHARIA'S DESCRIPTION OF THE CEREMONIAL ATTITUDE TO WATER //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 65-67.
3. Uraeva D. S. et al. THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 469-472.
4. Хамроева Н. Н., Низомова Ш. Ш. Важные стороны уроков чтения в повышении культуры книгочтения //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
5. Низомова Ш. Ш. ВЫРАЖЕНИЕ ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ //Проблемы науки. – 2021. – С. 79.
6. Nizomova S. S. THE SCOPE OF THE TOPICS OF THE SHARIA OF THE INDEPENDENCE PERIOD //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 4. – №. 4. – С. 68-69.
7. Низомова Ш. Ш. СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ РАЗВИВАЮЩИХ ИГР В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
8. Низомова Ш. Ш., Нурмуродова С. Э. К. Техника речи как основной инструмент учителя //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 1 (46).
9. Низомова, Ш. Ш. "Роль современных информационных технологий и электронных средств в обучении, образовании и развитии личности." *Вестник магистратуры* 4-3 (2019): 68.
10. Ахмедова М. Ш., Шарипова М. Б. ВОСПИТАНИЕ РЕБЕНКА НА ОСНОВЕ НАРОДНЫХ ТРАДИЦИЙ //Молодежь в науке и культуре XXI в.: материалы междунар. науч. – 2016. – С. 118.
11. Шарипова М. Б., Истамова З. Особенности этического воспитания детей дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 39.
12. Шарипова М. Б., Саъдуллаева М. Б. К. РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ ДЕТЕЙ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
13. Шарипова М. Б., Ашуrowa Ф. А. Межличностные отношения в дошкольном возрасте //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 35.

14. Rajabova I. Ossobennosti organizatsii i provedeniya didakticheskix igr s detmi starshego doshkolnogo vozrasta //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
15. Kamilova G. Maktabgacha talim muassasalarida ekologik tarbiyani tashkil etishda integrativ yondashuv //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.
16. Olimovna K. G. The importance of the criteria of pedagogical technologies at training highly qualified personnel //Достижения науки и образования. – 2017. – №. 5 (18).
17. Хамроева Н. А. МЕТОДЫ РАЗВИТИЯ РЕЧИ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ //Проблемы науки. – 2021. – №. 3 (62). – С. 74-76.
18. Хамроева Н. А., Назарова Д. Ж. Особенности речевого развития детей старшего дошкольного возраста //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 1-5. – С. 37.
19. ХАМРОЕВА Н. А. преподаватель кафедры дошкольного образования, факультет дошкольного и начального обучения //Бухарский государственный университет, Узбекистан.
20. Supkhonovna H. N. Technology for the development of the qualities of pedagogical competence in future teachers //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 5. – С. 372-382.
21. To'raqulovich J. U., Supkhonovna H. N. Ways to shape a healthy lifestyle in the family of preschool children //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 11.
22. Хакимова Н. С., Хабибова Г. Г. А. АВЛОНИ-ПРОСВЕТИТЕЛЬ, ПЕДАГОГ И РЕФОРМАТОР ШКОЛЫ //Вопросы науки и образования. – С. 34.
23. Umarova G. Bolalarning iqtisodiy bilimdonligini rivojlantirishda matematik tasavvurlarni shakllantirish mashg'ulotlarining ahamiyati //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
24. Sharipova I. F., Umarova G. U. Some methods for calculating limits //Journal: JOURNAL OF ADVANCES IN MATHEMATICS. – Т. 10. – №. 7.
25. Nurulloyev F. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarini axloqiy tarbiyalash //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 3. – №. 3.
26. Nurulloyev F. Oilada sog'lom, ma'naviy-axloqiy muhit //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 5. – №. 5.
27. Nurulloyev F. Maktabgacha yoshdagi bolalarda oilaga nisbatan hurmat munosabatini hakllantirish //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
28. Камилова Г. А., Курбанова Г. Р., Джаббарова С. З. Особенности формирования педагогических навыков у воспитателей дошкольно-образовательных учреждений //Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 25-27.

29. Жабборова С. З. Особенности труда в дошкольном возрасте //Проблемы педагогики. – 2020. – №. 6 (51).
30. Jabborova S. Z. Forms, methods and ways of moral education of children in the family by means of national values //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 820-823.